

А Ж Р И М

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят Ургут туман суди, 2023 йил 18 январь куни, очиқ суд мажлисида, ўз биносида, раислик қилувчи судья Э.Қаршиев, судья ёрдамчиси М.Икромовнинг котиблигида, Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Рахимов, Ургут туман ИИБ пробация бўлинмаси бошлиғи Н.Алқаровнинг иштирокида маҳкум Умаров Шавқий Амон ўғлини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисмини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномани кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Умаров Шавқий Амон ўғли, 1989 йил 26 январь куни Ургут туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланмаган, “Бек Юлдашев Кафолат” МЧЖда ишчи, Ургут туман, Қайроқли маҳалласи, рақамсиз уйда яшайди.

Судга Ургут туман ИИБ бошлиғи томонидан маҳкум Умаров Шавқий Амон ўғлини ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритилган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанция судининг 2023 йил 17 август кунги ажримига кўра ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2023 йил 16 март кунги ҳукмига кўра, Умаров Шавқий Амон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида ҳар ойлик иш ҳақининг 20%ни давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 7 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиниши кўрсатилган бўлиб, ишдаги ҳужжатларда Умаров Шавқий Амон ўғли шу кунга қадар суд томонидан тайинланган жазонинг белгиланган қисмини ўтаб, ўталмай қолган жазо муддати 4 ой 6 кунни ташкил этади.

Суд мажлисида Ургут туман ИИБ пробация бўлинмаси бошлиғи Н.Алқаров тақдимномани қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.



Суд мажлисида маҳкум Умаров Шавқий Амон ўғли қилган ишдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқарганлигини кўрсатиб, уни жазодан озод қилишни сўради.

Суд, тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, прокурорнинг фикрини тинглаб, маҳкум Умаров Шавқий Амон ўғли суд томонидан тайинланган жазонинг белгиланган муддатини ўтаб бўлганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан жазонинг ўталмаган қисмидан озод қилишни лозим топади.

Юқорида баён қилинганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536, 541-моддаларини қўллаб, суд ажрим қилади:

А Ж Р И М

Ургут туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан Умаров Шавқий Амон ўғли ўталмай қолган 4 (тўрт) ой 6 (олти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Ажрим ижроси Ургут туман ИИБ пробацция бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Маҳкум Умаров Шавқий Амон ўғлига жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган тақдирда Жиноят Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

Э.Қаршиев

